

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.АКРАМОВА	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш	70
Ш.ЮСУПОВА	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида	73
Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор-ларининг когнитив типологияси	75
Н.АЛИЕВА	
Инглиз ва рус тилларидаги кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллараро корреспонденцияси	82
Қ.КАХАРОВ	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши	85

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ	
Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш	88
З.БОБОЕВА, С.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар	91
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Буюк тасвирий санъат усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни	94

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Н.МИРЗАКАРИМОВА	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари	96
Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА	
Ўрта махсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш	98
М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш	100
Д.ҚОДИРОВА, С.ТҲХТАЕВ	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси	102
Н.ЖУРАҚҲЗИЕВ	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар	105
Д.ТЕШАБОЕВ	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши	107
З.АКБАРОВА	
Тил ва унинг функциялари ҳақида	109
З.САЛАХИДИНОВА	
И.С.Тургенов прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси	111
Н.ҚАРШИЕВ	
Қоракўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар	113
Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш	115
Б. СОТВОЛДИЕВ	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти	116
Г.ЙУЛДАШЕВА	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари	118
Д.НУРАЛИЕВА	
Оилага психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш	121

ХОТИРА

Наримон Нурматович ҚОРИЕВ	124
--	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиогрaфия	125
--------------------	-----

УДК: 70+931/939

ТАСВИРИЙ САНЪАТГА ОИД ЭНГ ҚАДИМГИ МАКОНЛАР

З.Бобоева, С.Йўлдашева

Аннотация

Мақолада қадимги макон – Зараутсой қоя тошларга чизилган ибтидоий суратлар, Зараутсойдаги палеолит, мезолит, неолит, бронза ва ундан кейинги даврлардаги суратлар миллатнинг маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ва қадриятига айланган мерос эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

Данная статья о Зараутсае. Древний очаг – Зараутсай, примитивные рисунки на скалах, рисунки в Зараутсае относятся к эпохе палеолита, мезолита, неолита и бронзовому веку, и искусство являются духовным богатством народа, драгоценным археологическим, историческим памятником искусства.

Annotation

This article is about Zarautsai. Ancient focal point – Zarautsai, painted drawings on rocks, drawings in Zarautsai belong to the epoch of Palaeolith, Mesolithic, Neolithic and Bronze Age. Figures and art are the spiritual wealth of the people, precious archaeological, historical monuments. This art is a rich heritage turned into value.

Таянч сўз ва иборалар: ибтидоий эътиқодлар, диний қарашлар, маданий ва маънавий мерос, Зараутсой, суратлар, ибтидоий давр, мезолит, неолит.

Ключевые слова и выражения: примитивные верования, религиозные взгляды, культурное и духовное наследие, рисунки Зараутсае, первобытный период мезолит, неолит.

Key words and expressions: primitive beliefs, religious beliefs, cultural and spiritual heritage, drawings of Zarautsai, mesolithic, neolithic.

Ҳозирги кундаги маънавият ва маданият, фан ва санъат, жамият ва давлат ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Ҳар қандай фан ва турмуш ютуғи учун юзлаб, минглаб йиллар керак бўлган. Ёш авлод бу машаққатли йўлни унутмасдан, уни қадамма-қадам ўрганмоғи ва ажодлардан қолган маънавий ва моддий бойликларни кўз қорачиғидай асрамоғи зарур. Дунё тамаддунининг ажралмас қисми бўлган Марказий Осиёда кўплаб осори атиқалар учрайди. Мустақиллик шарофати билан ота-боболаримизнинг ҳаёти, фаолияти, урф-одатлари, ўй-кечинмалари, фан ва санъат учун муҳим бўлган маданий ва маънавий меросимиз дурдоналарини илмий жиҳатдан ўрганишга йўл очилди. Уларни авайлаб-асраб, келажак авлодга тус-тугал етказиб бериш зарурлиги англаб етилди. Бу мерослар ёшларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, бадиий-эстетик тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сурхондарё воҳаси ҳудудидан топилган тасвирий санъатга оид энг қадимги макон – Зараутсойдир.

Нафақат тасвирий санъат, балки бу суратлар миллатнинг маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ҳисобланиб, қадриятга айланган меросдир.

Қоя тошларга чизилган бу ибтидоий суратларда одамлар, ҳайвонлар, яъни ҳўкиз (буқа), тоғ эчкиси, жайрон, ит ва бошқа ҳайвонлар ҳамда ўқ ва ёй тасвирланган бўлиб, уларда асосан ов саҳнаси тасвирланган. Расмларнинг бирида одамлар қушларга ўхшаш ниқоб кийишган. Бу тасвир ҳақида олимлар турлича фикр юритганлар. Улардан бири у шу жойларда кўп учрайдиган тувалоқ қуш шаклига кирган ҳолда ҳайвонларга яқинлашаётган одам деса, бошқа бири ёввойи ҳайвонларни кўрқитиш учун овга махсус кийимлар билан кирган, деган ғояни билдирган.

Нима бўлганда ҳам қадим ўтмишдошлар кийинишни ёки ниқобни, ов қилиш услубларини яхши билган экан. Демак, уларда онг, тасаввур ва тафаккур шакллани бошлаган ёки шаклланиб бшлган.

З. Бобоева – ФарДУ педагогика кафедраси ўқитувчиси.

С.Йўлдашева – ФарДУ педагогика факультети тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши 3-босқич талабаси.

Бу тасвирларни тўлиқ ўрганиш учун А.А.Формозов тўртта масалани ечишни, яъни, биринчидан, ёдгорлик ёшини аниқлаш; иккинчидан, суратларни яратиш техникасини билиб олиш, учинчидан, санъат асари сифатида баҳолаш, тўртинчидан, унинг тагидаги яширин маънони англаш лозим, деб таъкидлайди [1.65].

Зараутсойдаги бу тасвирларни кўпчилик мутахассислар мезолит даврига оид деб ҳисоблайдилар. Г. В. Парфёнов ва А. Ю. Рогискаялар камардаги тасвирни палеолит, мезолит, неолит, бронза ва ундан кейинги даврларда чизилган, деб ҳисоблайдилар. А. А. Формозов ва Ж. Кабиrowлар ушбу расмлар мезолит ва ундан кейинги даврларга оид, деб фараз қиладилар.

У қанчалик қадимий бўлмасин, рассом чизган расмдан завқ олган ва атрофидаги ибтидоий одамларни ва, ҳатто, ҳозирги одамларни ҳам завқлантираётган улўф санъаткордир.

Бу тасвирлар нима мақсадда чизилган, унинг тагида қандай маъно ва мазмун, қандай ғоя ва тасаввур ётган, деган савол туғилиши табиий ҳол. Тасвирни ўрганган кўплаб мутахассислар олиб борган тадқиқот ва изланишлар натижасида қоятошлардаги суратлар ва ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳрли маънони билдиради, улар негизда ибтидоий ва қадимги давр одамларининг кундалик турмуши, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ётади, деган фикр келиб чиқади.

Ибтидоий одамлар табиат кучлари олдида ўзларини ожиз ҳис қилганлар. Бундай ҳолат тотемизм диннинг шаклланишига олиб келган жамоанинг бошланиши бирор ҳайвон деб тасаввур қилинади, яъни тотем ҳисобланади. Зараутсойлик аждодларимиз учун ҳўкиз тотем бўлиб ҳисобланган бўлса керак. Қоятошга чизилган тотем – ҳўкиз тасвири олдида одам турли сеҳргарлик ҳаракатларини бажаради, ўйинга тушади, ашула айтади ва, ниҳоят, ҳайвондан ов пайтида ўзини топширишини сўраб

ёлворади, гўшти, терисини беришини сўрайди.

Расмлар кўпчилик назаридан узоқда ва овлоқ жойда бўлгани учун ибтидоий одамларнинг муқаддас даргоҳи бўлган, улар қоялар ёнида ибодат қилиб, ирим-сиримлар ўтказган, деган тахминлар ҳам учрайди. Диний удумлар ўтказган бўлса, демак, уларга бу қоятошдаги расмлар қандайдир маънавий қувват ва маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Ирим-сиримлардан бири қояларга расм чизиш бўлса, улар бу орқали қандайдир илоҳий тасаввур ва илоҳий кучга эга бўлиш мумкин, деб ҳисоблашган.

Ж. Кабиrow “ибтидоий аждодлар қоятошдаги расмлар ҳар хил бало - қазолардан асраши, одамларга бахт келтиришига умид қилганлар”, деган фикрни билдиради [1.96].

В.Ф. Зьбковес эса “тош асри санъатининг намуналарини диний тушунчалар ва сеҳргарликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар ёшларга таълим ва тарбия берадиган марказлардир. Расмлар эса ибтидоий давр ёшларига таълим-тарбия бериш, улар билан амалий машғулот олиб бориш мақсадида ишланган”, деб мулоҳаза юритган [1.69]. Юқорида айтилган фикрлардан қайси бирига мансуб бўлишидан қатъий назар, бу суратлар Марказий Осиёда санъат тараққиётининг ўзига хос илк босқичи ҳисобланади.

Тасвирий санъат инсонларнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлади. У санъат турлари ичида ўзининг халқчиллиги ва тушунарлилиги билан катта аҳамиятга эга дастлабки намуна бўлган қоятошлардан бугунги юксак ривожланган санъат асарларигача узоқ йиллар ўтган. Тасвирий санъат асарлари ибтидоий даврда бўладими, Ўрта асрлардами, Уйғониш давридами ёки бугунги ахборот ва техника асрида бўладими, инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатлилиқ ва аҳилликка, ҳаёт гўзалликларидан завқ олишга ва улардан хулоса чиқаришга ташвиқ қилади.

Зараутсойдаги қоя тасвирлари ибтидоий одамларнинг меҳнат фаолияти, яъни овчилик, ибтидоий эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлган содда ва оддий кўринишлар, деб айтишимиз мумкин. Расмлар ибтидоий одамларнинг оламини билишдаги ижтимоий онгини шакллантиришда, уларнинг орзу-умидларини ифодалашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ибтидоий давр расмони овчининг бутун руҳий-маънавий кучларини табиат қонунларини билиб олишга қаратган. Ахир овчи мансуб бўлган жамоанинг ҳаёти ва фаровонлиги ҳам шунга боғлиқ бўлган. Рассом овчиларнинг ов жараёнини тасвирлаб, уларда ҳамкорлик қобилияти, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланганлигини кўрсатиб беради. Ҳайвонлар хавфи ва кучли қаршилиги ҳамкорлик қобилиятини фаоллаштириб юборади. Унда овчи ҳиссиётларини жиловлаб, жамоадаги уйғунликка боғланади.

Биз юқорида таҳлил қилган Зараутсой суратлари ҳам муаллифнинг машаққатли, аммо шарафли ижодининг маҳсули, десак муболаға бўлмайди. Бу тасвирлар орқали рассом қавмини бирлаштириш ва янги марралар сари интилишга, шунингдек, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, фаоллик, жамоавийлик каби тамойилларни уларда уйғотишга ҳаракат қилгани муболаға эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов "... Авваламбор, шуни

айтиш жоизки, ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб кўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан - қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради" [2.20].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, Зараутсой суратлари ўзининг бетакрорлиги ва бадиий табиати билан инсон қалбига эмоционал таъсир кўрсата олади, унинг руҳий дунёсига чуқур кириб бориб, шу орқали, маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эгадир. Албатта, бу даражада юксак санъатнинг ўша тарихий даврда вужудга келиши бизга бевосита ўша даврнинг маънавий салоҳият даражасини тараққий этганлигини англатади.

Ҳеч қачон халқимизнинг фанга, санъатга қизиқишлари, интилишлари тўхтаб қолмаган. Бунга Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги хунармандчилик, Бақтриядаги зеб-зийнат буюмлари, Юнон-Бақтрия ва Кушон ёдгорликларининг юксак санъатидаги ҳайкалтарошлик, Афросиёбдаги деворий суратлар, Самонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар давридаги маданий ҳаёт ҳамда кейинги давр илм-фан ва санъат ютуқлари мисол бўла олади.

Адабиётлар:

1. Холмирзаев А. Зараутсой тилсимлари – Т., 2003.
2. Каримов А.И., Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).